



CHINA'S MODERNIZATION AND REFORM STRATEGY

Abdurashid Abdulkhaev

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science

Independent Researcher at TSUOS

abdurashidabdulkhaev@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Chinese modernization, reform strategy, socialist market economy, institutional transformation, strategic planning, innovative development, digital economy.

Received: 25.03.26

Accepted: 26.03.26

Published: 27.03.26

Abstract: This article provides a systematic analysis of the modernization process and reform strategy of the People's Republic of China, focusing on their conceptual foundations and practical implementation mechanisms. The study examines the distinctive features of the Chinese modernization model, including the socialist market economy, the regulatory role of the state, institutional reforms, phased transformation, and strategic planning. From a scholarly perspective, the article evaluates key issues such as economic growth stimulation, industrial and innovative development, technological modernization, the digital economy, and the maintenance of social stability. Furthermore, the article analyzes the impact of China's reform strategy on national development, its position within the global economic system, and its methodological significance for developing countries. The conclusions drawn contribute to a comparative understanding of China's modernization experience and help identify its universal and nationally specific characteristics.

ХИТОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ ВА ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Абдурашид Абдулхаев

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори PhD

ТДШУ мустақил тадқиқотчиси

abdurashidabdulkhaev@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

<p>Калит модернизацияси, ислохотлар социалистик институционал режалаштириш, рақамли иқтисодиёт.</p>	<p>сўзлар: бозор иқтисодиёти, трансформация, стратегик инновацион ривожланиш, рақамли иқтисодиёт.</p>	<p>Хитой Республикасининг ва ислохотлар стратегиясининг асослари ҳамда амалий тизимли таҳлил қилинган. Хитой модернизация моделининг хос хусусиятлари – социалистик бозор иқтисодиёти, давлатнинг тартибга солинувчи роли, институционал ислохотлар, босқичма-босқич трансформация ва стратегик режалаштириш жараёнлари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, саноат ва инновацион ривожланиш, технологик модернизация, рақамли иқтисодиёт ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш масалалари илмий нуқтаи назардан баҳоланган. Мақолада Хитой ислохотлар стратегиясининг миллий тараққиётга таъсири, глобал иқтисодий тизимдаги ўрни ва ривожланаётган мамлакатлар учун методологик аҳамияти таҳлил этилган. Мақолада келтирилган хулосалар Хитой модернизация тажрибасини қиёсий тадқиқ этиш ҳамда унинг универсал ва миллий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади.</p>
--	--	--

СТРАТЕГИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ И РЕФОРМ КИТАЯ

Абдурашид Абдулхаев

Доктор философии (PhD) по политическим наукам

Независимый исследователь ТГУВ

abdurashidabdul Khaev@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: модернизация Китая, стратегия реформ, социалистическая рыночная экономика, институциональная трансформация, стратегическое планирование, инновационное развитие, цифровая экономика.</p>	<p>Аннотация: В статье проводится системный анализ процесса модернизации и стратегии реформ Китайской Народной Республики, а также их концептуальных основ и практических механизмов реализации. Рассматриваются специфические особенности китайской модели модернизации, включая социалистическую рыночную экономику, регулируемую роль государства, институциональные реформы, поэтапную трансформацию и стратегическое планирование. С научной точки зрения оцениваются вопросы стимулирования</p>
--	--

экономического роста, промышленного и инновационного развития, технологической модернизации, цифровой экономики и обеспечения социальной стабильности. В статье также анализируется влияние стратегии реформ Китая на национальное развитие, его место в глобальной экономической системе и методологическое значение для развивающихся стран. Сформулированные выводы способствуют сравнительному изучению китайского опыта модернизации, а также выявлению его универсальных и национально-специфических характеристик.

Кириш. Модернизация концепцияси сиёсий фанларда ижтимоий тузилмалар, иктисодий тартиб ва институционал бошқарув ўртасидаги ўзаро боғлиқ трансформацияларни тушунтирувчи муҳим назарий рамкалардан бири сифатида қаралади. Мазкур ёндашув жамиятнинг анъанавий шакллардан рационаллашган, дифференциациялашган ва ҳуқуқий-институционал жиҳатдан тартибланган моделларга ўтишини таҳлил қилиш имконини беради.

Адабиётлар шарҳи. Классик модернизация назарияси анъанавий тузумлардан замонавий институционал тартибга ўтишда иктисодий ривожланиш, урбанизация, таълимнинг оммалашуви ва коммуникация муҳитининг кенгайиши сиёсий ўзгаришларни рағбатлантиришини таъкидлайди. Бироқ эмпирик тажриба модернизация натижалари демократиянинг муқаррар кенгайиши билан автоматик тенглашмаслигини ҳам кўрсатади.

Толкотт Парсонснинг структура-функционал таҳлили жамият қисмлари ўртасидаги функционал боғлиқликларни очиб берса, С.Хантингтоннинг “ўзгарувчан жамиятларда сиёсий тартиб” концепцияси мобилизация суръати институтлар барқарорлигидан илгарилаб кетган шароитда беқарорлик хавфи кучайишини тушунтиради. Хитойда ислохотларнинг «тартибни сақлаб туриб янгиланиш» логикаси айнан шу назарий тезиснинг амалий тасдиғини кўрсатади[8, 9].

Тобе модернизация ва тенгсиз интеграция масалаларини таъкидловчи қарашлар (А.Франк ва И.Валлерстайн ёндашувлари) модернизацияни глобал капиталистик тизимдаги марказ-периферия муносабатлари доирасида кўриб, тараққиётни ташқи бозорлар, технологияга кириш ва инвестиция режимлари билан шартланган жараён сифатида тавсифлайди. Хитой модернизацияси эса ташқи очикликни миллий институтлар, давлатнинг макрорегулятив сиёсатлари ва ички бозорнинг босқичма-босқич ривожланиши билан уйғунлаштириш мумкинлигини амалиётда намоён қилди [12, 13].

Муҳокама ва натижалар. Тарихда шундай факт мавжудки, модернизация жараёнида баъзи кичик давлатлар паст ўртача иш ҳақиға эға, аммо улар катта, ривожланган мамлакатлардан молиявий ва техник қўллаб-қувватлаш оладилар, шунинг учун жуда тез ривожланадилар. Бундай мамлакатларға Сингапур, Гонконг, Тайван, Жанубий Корея киради. Бу имконият Хитой каби улкан мамлакат учун деярли амалға оширилмайди. Хитой фақат ўз кучиға ва ҳар томонлама ривожланишға таянади. Хитой ўзининг тарихий анъаналари ва тарихий шароитларига эға. Тарих исботладики, модернизация жараёни ва анъаналар ўртасида доимо зиддият мавжуд. Шу маънода хитой тарихи икки томонлама моҳиятға эға: Хитой инсоният тарихиға катта ҳисса қўшган қадимий цивилизацияға эға мамлакат, аммо бошқа томондан Хитой минг йиллик феодал анъаналарға эға бўлиб, улар модернизация жараёнини шартлайди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мафкуравий-сиёсий асосларини мослаштириш иқтисодий ўсишнинг аввалги самарали воситаларини сақлаб қолиш ва шу билан бирға бозор хўжалик юритиш принципларига мос келадиган янги воситалардан нисбатан оғриқсиз фойдаланишни бошлаш имконини берди. Узоқ муддатли халқ хўжалиги режалари, қисман директив режалаштириш, мустаҳкам давлат нархлари сақланиб қолди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли моделида иқтисодий бўлмаган омилларнинг салмоқли роли сақланди. Бу омиллар социалистик жамият асосларини конфуцийлик хусусиятидаги ахлоқий, ижтимоий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналар шаклидаги ишончли таянчлар билан ўз вақтида мустаҳкамлаш имконини берди.

Шу нуқтаи назардан, Хитой Халқ Республикасининг ислоҳотлар давридаги тажрибаси модернизациянинг “бир йўлли” универсал сценарий эмаслиги, балки миллий контекст, давлат қобилияти ва ташқи интеграция даражасига кўра турлича институционал конфигурацияларда намоён бўлишини кўрсатади. Бу, айниқса, “қўллаб модернликлар” ғоясига мос равишда модернизация траекторияларининг кўпвариантлигини назарий жиҳатдан асослашға хизмат қилади.

Тадқиқотларда модернизация одатда иқтисодий ўсиш билан чекланмайди: у сиёсий тизимнинг институционаллашуви, маъмурий бошқарув самарадорлиги, ҳукуқий тартибнинг барқарорлиги, легитимлик манбалари ва ижтимоий иштирок каналларининг шаклланиши каби ўлчовларни ҳам қамраб олади. Шу боис Хитой мисолида тараққиёт-барқарорлик муносабати, давлатнинг стратегик режалаш қобилияти ва ижтимоий мобилизация механизмлари бир бутун тизим сифатида кўриб чиқилиши лозим [4; 12].

Хитой модернизация модели методологик жихатдан модернизацияни ғарблашув тенденциясидан аксинча, уни миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, бошқарув сиғимини ошириш ва таракқиёт натижаларини ижтимоий жихатдан тақсимлаш механизмлари орқали таърифлашга интилади. Бу ёндашувда “модерн” мезонлари институционал шакллардан кўра, институтлар қандай ишлаши ва қандай натижа бериши билан ўлчанади.

Хитой раҳбарияти 1978 йилдан кейинги сиёсий-иқтисодий бурилишлар “ислоҳот ва очиклик” стратегиясини давлат ривожланишининг асосий йўналиши сифатида белгилади. 1978 йил декабрда КПК МКнинг 11-чақириқ 3-плenumsида партия ва давлат ишининг диққати социалистик модернизация ва иқтисодий қурилишга кўчирилди [1; 278].

Дэн Сяопин томонидан илгари сурилган “Хитойга хос социализм” концепцияси модернизацияни марксист парадигма доирасида, бироқ миллий реаллик ва амалий натижаларга таянган ҳолда қайта таърифлади. Унда ташқи тажрибани ўрганиш зарурлиги инкор этилмасдан, кўр-кўрона нусхалашнинг самарасизлиги таъкидланади. Назарий принцип сифатида эса “амалиёт – ҳақиқат мезони” ғояси олдинга сурилади [2; 98].

Модернизациянинг дастлабки стратегик рамкаси “тўрт модернизация” (саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва мудофаа) ташаббуси орқали белгиланиб, кейинчалик социалистик бозор иқтисодиёти институтларини босқичма-босқич шакллантириш, давлат корхоналарини қайта ташкил этиш ва хусусий секторни тартибга солинган шароитда кенгайтириш билан тўлдирилди [5; 128].

Модернизациянинг институционал архитектураси босқичма-босқич ислоҳот тамойилига таянди. Амалиётда бу аввал маҳаллий даражада эксперимент қилиш, кейин эса самарали инструментларни умуммиллий миқёсга кўчириш орқали ҳуқуқий ва маъмурий қоидаларни мустаҳкамлашни англатди. Натижада ислоҳотлар тезкор “шок терапияси” эмас, балки тартиб ва барқарорликни сақлаган ҳолда институционал янгилашни сифатида намоён бўлди.

Хитойда модернизацияга хос ижтимоий-сиёсий контекст, аввало, аҳолининг улкан миқёси, ҳудудий фарқлар ва жамиятнинг узоқ вақт давомида аграр таркибда бўлгани билан белгиланади. 1978 йилга келиб аҳолининг тахминан 80 фоизи қишлоқ ҳудудларида яшар, бу эса ресурслар тақсимооти ва ижтимоий хизматлар қамрови нуқтаи назаридан давлат сиёсати учун жиддий чақириқларни келтириб чиқарар эди. Шу сабабли демографик сиёсат ва меҳнат ресурсларини бошқариш модернизациянинг узвий қисмига айланди. 1970-йиллар охирида туғилиш кўрсаткичлари 32–33 % атрофида, ўлим кўрсаткичлари эса 7 % атрофида баҳоланган; аҳоли ўсиш суръатларини пасайтириш мақсадида давлат 1980-йиллардан бошлаб туғилишни тартибга солиш сиёсатига ўтди. Бу

сиёсат ижтимоий харажатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган институционал чора сифатида талқин этилади [2; 106].

Иқтисодий ислохотларнинг илк импульси қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келди. Оилавий пудрат ва масъулият тизими ишлаб чиқарувчиларнинг рағбатларини кучайтириб, давлат харид сиёсати ва бозор инструментларини уйғунлаштириш орқали маҳсулдорликни оширишга хизмат қилди. Мазкур ўзгаришлар қишлоқ жойларда даромадларнинг ўсиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга замин яратди.

Саноат ва ташқи иқтисодий очиклик йўналишида махсус иқтисодий зоналар институционал экспериментализмнинг энг кўзга кўринган шакли бўлди. Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу ва Сямэнь каби худудларда инвестиция, экспорт ва бошқарув тартиботларининг янги қоидалари синовдан ўтказилди; кейинчалик мазкур тажриба соҳилбўйи шаҳарлар ва кенгроқ худудларга тарқатилди [14; 228].

Ташқи очиклик сиёсати турли инструментлар орқали босқичма-босқич кенгайтирилди. Адабиётларда, одатда, махсус иқтисодий зоналар орқали очиклик, соҳилбўйи шаҳарлар ва портлар орқали очиклик, чегараолди худудлар орқали трансчегаравий ҳамкорлик, йирик регионлар доирасида комплекс очиклик каби шакллар ажратиб кўрсатилади. Мазкур дифференциация ташқи интеграцияни худудий ислохотлар жараёни билан уйғунлаштиришга хизмат қилди.

Иқтисодий зоналарлар натижадорлиги 1990-йиллар охирига келиб аниқ кўрсаткичларда намоён бўлди: айрим ҳисоб-китобларга кўра, улар ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 5,6 фоизини, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 11 фоизини ва валюта тушумларининг 25 фоизга яқин қисмини таъминлаган. Бу факт очикликнинг институционал механизмлари миллий иқтисодий ўсиш билан қандай боғланишини кўрсатувчи муҳим эмпирик далил ҳисобланади [14; 306]. Иқтисодий очикликнинг ташкилий қиррасида Хитой халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни прагматик асосда қурди. Хусусан, давлат 1980-йилларда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан муносабатларни йўлга қўйиб, инфратузилма ва тармоқ ислохотлари учун кредит линияларидан фойдаланди; бироқ ички сиёсатда ўз моделини сақлаш ва макрорегуляция воситаларини қўлдан бермаслик устувор бўлиб қолди.

Сиёсий соҳада модернизация барқарорликни сақлаш ва бошқарув қобилиятини ошириш мантиғига боғланди. Ҳукуқий базани тиклаш, маъмурий тузилмаларни қайта ташкил этиш, кадрлар сиёсатида профессионаллашув ва масъулиятни кучайтириш, шунингдек, давлат-жамият мулоқоти учун маслаҳатлашув каналларини кенгайтириш каби инструментлар босқичма-босқич жорий этилди. Сиёсий маданият контекстида Хитой

модернизацияси мафкуравий чегаралар ва тарихий-маданий мерос ўртасидаги мувозанатни сақлашга интилади. Марксизм-ленинизмнинг синфий парадигмаси билан бир каторда, конфуцийчиликдан мерос бўлиб келган ижтимоий иерархия, хизматга тайинлашда меритократик элементлар ва жамоавий масъулият каби тушунчалар бошқарув амалиётида уйғунлашиб борди. Бу ҳолат модернизациянинг мазмуни ўлчовини таҳлил қилишда сиёсий маданият индикаторларини эътибордан четда қолдирмаслик зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодиётда давлатнинг роли модернизация моделидаги асосий фарқловчи белгилардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат корхоналарини корпоратизациялаш, стратегик тармоқларда назоратни сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни режалаштириш воситалари орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий сектор учун рақобат муҳитини босқичма-босқич шакллантириш сиёсати параллел равишда олиб борилди. Аналитик адабиётларда бундай институционал синтез кўпинча давлат капитализми тушунчаси билан ифодаланади.

Модернизациянинг ижтимоий ўлчови амалда турмуш даражаси, ижтимоий хизматлар камрови ва камбағалликни қисқартириш билан ўлчанади. Жаҳон банки материалларида Хитойнинг ислохотлар даврида юз миллионлаб аҳолини камбағалликдан чиқаришга эришгани қайд этилади; Жаҳон банки ҳисоботлари эса инсон ривожланиши индексидаги узок муддатли ўсишни таълим, соғлиқни сақлаш ва даромадлар динамикаси билан боғлайди [15].

1979-1997 йиллар оралиғидаги иқтисодий натижалар модернизациянинг ўлчовини очиб беради. Хусусан, аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши, озиқ-овқат таъминотининг яхшиланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг кўпайиши ва саноат тармоқларида технологик янгиланиш тенденциялари қайд этилган. 1997 йилда дон ҳосили 492,5 млн тоннадан ошгани ҳақидаги маълумот озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим кўрсаткич ҳисобланади [11; 316].

Бир вақтнинг ўзида мазкур ўсиш моделининг ижтимоийлашуви ҳам мавжуд бўлиб, шаҳар-қишлоқ тафовути, ҳудудий тенгсизлик, экологик босим ва меҳнат миграцияси каби омиллар давлат сиёсати учун янги институционал талаблар яратади. Шу боис сиёсий модернизацияни баҳолашда иқтисодий самарадорлик билан бирга, қайта тақсимот механизмлари ва жамоат хизматлари сифати ҳам алоҳида ўлчов сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Хитой тажрибаси шуни кўрсатдики, модернизация жараёни Ғарб давлатлари андозалари импорт қилиниши эмас, балки миллий анъаналар ва замонавий институционал ўзгаришларнинг мақбул синтези асосида амалга оширилгандагина юқори самара беради. Хитой модели сиёсий тизимнинг қатъий марказлашуви Коммунистик партиянинг етакчилиги шароитида ҳам иқтисодий эркинлик ва бозор механизмларини самарали жорийлаш мумкинлигини намойиш этиб, классик либерал модернизация назарияларининг универсаллигини инкор этди. Хитойнинг эволюцион трансформация стратегиясида маъмурий-марказлашган тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишда “шок терапия” эмас, балки босқичма-босқичлик ва режа ва бозор уйғунлиги принципнинг танланиши ижтимоий-иқтисодий инқирозларнинг олдини олишда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида давлатнинг тартибга солиш ва назорат қилиш функциялари сақлаб қолиниши, стратегик тармоқлар устидан суверен назорат таъминланиши модернизациянинг Хитой миллий манфаатлари ўзанида кечишини кафолатлаган. Ташқи иқтисодий очиқлик сиёсатида махсус иқтисодий зоналар орқали селектив интеграция стратегияси қўлланилиши Хитойнинг глобал молиявий-иқтисодий тизимда периферияга айланиб қолмаслигини таъминлаган. Хитой модернизациясининг ўзига хослиги шундаки, ислохотлар энг қуйи бўғиндан, хусусан, қишлоқ хўжалигидан бошланган. Бу стратегия қишлоқ аҳолисининг аксарият қисмини ислохотларнинг бевосита манфаатдорига айлантириш орқали модернизация жараёни учун кучли ижтимоий база ва сиёсий легитимлик яратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дэн Сяопин. Избранные произведения. – Пекин: Издательство литературы на иностранных языках, 1994. – Т. 3. – 418 с.
2. Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. – Пекин: Издательство литературы на иностранных языках, 1985. – 186 с.
3. Гельбрас В.Г. Экономика Китайской Народной Республики. – Москва: Квадрига, 2010. – 642 с.
4. Портяков В.Я. Экономическая политика Китая в эпоху Дэн Сяопина. – Москва: Восточная литература, 1998. – 238 с.
5. Делюсин Л.П. Дэн Сяопин и реформация китайского социализма. – Москва: Муравей, 2003. – 248 с.
6. Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – Москва: Форум, 2009. – 560 с.

7. Гудошников Л.М. Политическая система КНР. – Москва: ИДВ РАН, 1996. – 184 с.
8. Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Аспект Пресс, 1998. – 270 с.
9. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. – 480 с.
10. Экономическая реформа в КНР: На рубеже веков / Под ред. А.В. Островского. – Москва: ИДВ РАН, 2008. – 356 с.
11. Rostow W.W. The Stages of Economic Growth: A Non-Communist Manifesto. – Cambridge: Cambridge University Press, 1960. – 272 p.
12. Frank A.G. Capitalism and Underdevelopment in Latin America. – New York: Monthly Review Press, 1967. – 298 p.
13. Wallerstein I. The Modern World-System. – New York: Academic Press, 1974. – Vol. 1. – 410 p.
14. China Statistical Yearbook 1998. – Beijing: China Statistics Press, 1998. – 846 p.
15. World Bank. China 2020: Development Challenges in the New Century. – Washington: World Bank, 1997. – 132 p.